

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ФАРҲОД ШАРАБИДИНОВИЧ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЁЗУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
(нофилологик факультетлар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Алимов Фарход Шарабидинович

Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш

(нофилологик факультетлар мисолида) 3

Алимов Фарход Шарабидинович

Формирования письменной компетенции на английском языке

(на примере нефилологических факультетов) 19

Alimov Farhod Sharabidinovich

Developing writing competence in the English language

(on the materials of non-philological faculties) 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ФАРҲОД ШАРАБИДИНОВИЧ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЁЗУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
(нофилологик факультетлар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped199 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маматов Абдумурод Эшонқулович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тешабоева Дилфуза Муминовна**
филология фанлари доктори, профессор

Мисиров Соҳибжон Абдупаттаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х.Бакиева

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Л.Т.Ахмедова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хорижий тилларни ўрганиш турли соҳа мутахассисларининг хорижлик ҳамкасблари билан фикр алмашувлари, халқаро анжуманлар ва хорижий манбалардан ўз соҳаларига доир ахборот олиш каби жараёнларда ёзув компетенциясини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. АҚШнинг Чикаго ва Жон Хопкенс, Канаданинг Торонта, Англиянинг Лидз, Германиянинг Фрайбург университетларида инглиз тилидаги ёзув компетенциясини шакллантиришни эътиборга олган ҳолда соҳавий терминология, ёзув грамматикаси ва лексикаси, креатив фикрлашни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида талабаларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш, замонавий педагогик технологияларни қўллашга доир инновацион фаолиятни модернизациялаш, ёзиш техникаси ва ёзма нутққа дифференциал ёндашган ҳолда ёзма нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантириш, лингводидактик ва психологик омиллар таъсирини аниқлаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетенциявий ёндашув асосида мутахассислиги чет тили бўлмаган талабаларда нутқий компетенцияни ривожлантириш ҳамда таълим жараёнини самарадорлигини оширишда ёзув ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш заруриятини изохлайди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда кимё-биология факультети талабаларида инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дифференциал ёндашиш, нутқда учрайдиган хатолар типологиясини аниқлаш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини назарий асослаш, ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124- сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766) -70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б.38.

қарори, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875– сон қарорилари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда Г.Х.Бакиева, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, М.Т. Ирискулов Т.К. Саттаров, Ф.М.Рашидова Г.Т.Махкамова тадқиқотларида, хорижда эса А.Л.Гуркина, М.В.Дубова, И.Лука, илмий ишларида тилларни ўқитиш методикасига оид муаммолар атрофлича ёритилган. Жумладан, чет тил ўқитувчиларини тайёрлаш ва нофилологик факультетларда инглиз тили ўқитиш атрофлича тадқиқ этилган²; замонавий технологияларнинг қонуниятлари, уларнинг чет тилларни ўқитишдаги ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари ўрганилган³; ёзувни ўргатишда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴; тил ўқитиш факультетларида баён ва иншо ёзишнинг мазмуни⁵; ёзма нутқни ўргатишнинг ижтимоий-маданий ва маданиятлараро ҳамкорлик⁶; ёзма нутқдан маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиш⁷; ёзувни ва ёзма нутқни

² Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консонантизма) Автореф. дисс. ... док. пед. наук. – Т., 1987. – 24 с.; Ахмедова Л.Т. Личностно – ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений// Conference.Fledu.uz; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – Б. 294.; Махкамова Г.Т. Идея прогрессивизма в обучении языку специальности // Бўлажак чет тил ўқитувчисини йўналтириш технологияси: илмий-амал. конф. материал –Т.: 2009. – Б.145-150; Саттаров Т. Бўлажак чет тил ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. – Т.: 2003. – Б. 47;

³ Рашидова Ф.М. CEFR асосида чет тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолашда касб маҳорати // Узлуксиз таълим журнали. – Т. 2016. -№ 6. –Б. 70-71.; Ирискулов М.Т., Чет тилларнинг ўқитишда CEFR ўрни Узлуксиз таълим журнали. – Т. 2016. -№ 1. –Б. 77-83.

⁴ Гуркина А.Л. Развитие иноязычной коммуникативной компетенции как основная цель обучения иностранному языку//Молодой учёный. – М.: 2015. – №12. – С. 726-729; Костюкова Т.А., Морозова А.Л. Иноязычной коммуникативной компетентности студентов неязыковых вузов // Монография. ТГПУ. -Томск, 2011. – 119 с; Дубова М.В. Компетентность и компетенция как педагогические категории: определение, структура, классификация // Гуманитарные науки и образование. – № 2 (6) – М.: 2011; Ineta Lūka Developing Communicative Competence in Teaching English for Students of the Tourism Industry. Latvia University – Riga: Latvia Volume 700, 2006. – P. 217-228; Jeļena Zašcerinska Development of students' communicative competence in English studies for academic purposes.. Latvia University. – Riga: Latvia, 2011. – 315 p.

⁵ Ахмедова Л.Т Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 160 с.; Elita Stikute Reading and Writing to Develop Critical Thinking. Latvia University – Riga: Latvia Volume 700, 2006. – P. 138-145; Зита Науцкунайте. Обучение аргументированию и его дидактические перспективы. Latvia University – Riga: Latvia Volume 741, 2008. – P. 103-111.

⁶ Anna Stavicka Foreign language studies in the context of higher education internationalization/ Doctoral work these. Latvia University – Riga: Latvia, 2014. – 47 p.; Жалолов Ж.Ж., Махкамова Г.Т., Алимов Ш.С. English language teaching methodology. –Т.: Фан ва технология, 2009. – 334 б.

⁷ Зубанова С.Г. Коммуникативная компетенция в формировании профессиональной культуры студентов гуманитарного профиля. Московский городской психолого-педагогический университет: Портал психологических изданий, 2010. – С. 19-21.

ўргатишдаги қийинчиликлар таҳлили⁸ каби масалаларни киритиш мумкин. Аммо ҳозиргача мамлакатимизда нофилологик олий ўқув юртларининг кимё-биология факультети талабаларини инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш масаласи тадқиқ этилмагани боис мазкур мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Андижон давлат университетининг «Хорижий тилларни ўқитишда таълим-тарбия назарияси ва методикаси» илмий ишлар режаси, Европа Иттифоқининг Темпус дастури TuСАНЕА лойиҳаси – таълим соҳасидаги компетенцияни яратиш дастурида инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш (530786-TEMPUS-1-2012-1-NL-TEMPUS-SMHES) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларининг нофилологик факультет талабаларида инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кимё-биология факультети талабаларига хорижий тилни ўргатиш усуллари таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ёзув ва ёзма нутқнинг ифода воситаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали хатолар келиб чиқиши сабабларини аниқлаш;

ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш ва ўстиришда интерфаол усуллар ва дидактик ўйинлар технологиясидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда махсус тизимли машқлар тўпламини яратиш;

ёзиш техникаси ва ёзма нутққа дифференциал ёндашган ҳолда ёзма нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантириш йўллари назарий жиҳатдан асослаб бериш;

коммуникатив метод талаблари ва тамойиллари асосида ўзбек талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқий компетенциясини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти кимё-биология факультети 1-2-босқич талабаларида инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети кимё-биология факультети 1-2-босқич талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш мазмуни, шакл, воситалари ва лингводидактик, психологик омиллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

⁸ Ахметова Л.Р. Мутахассислик факультети бакалариат ва магистратура талабаларининг ёзма нутқини ўстириш: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 2011. – 28 б.; Швец Л.Г. Письмо и письменная речь в обучении иностранным языкам. Гуманитарні науки, – Украина, 2012, – № 4 – С. 71-74.

нофилологик факультет талабаларида ёзув ва ёзма нутқ малакалари дифференциал ёндашув асосида мустақил ўқитиш ва баҳолаш тизимлари бўйича аниқлаштирилган;

инглиз тилини ўзлаштириш ва касбий компетентлигини ривожлантириш методик таъминоти лингводидактик таҳлил асосида мутахассислик ўқув материалларини тизимлаштириш бўйича ёзма нутқ компетенцияси такомиллаштирилган;

грамматик компетенция бўйича ёзув билан боғлиқ нутқ-мотор ҳаракатларини назорат қилиш, қийинчиликларни аниқлаш, индивидуал топшириқлар бериш, креативлик асосида ёзма нутқ малакасини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган;

кимё-биология факультетлари талабаларининг амалий компетенцияси фонетик, грамматик, лексик даражадаги таснифлар асосида ёзув техникаси аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кимё-биология факультети талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга қаратилган «Learn writing» (B2 даражада) ўқув қўлланмаси яратилган;

нофилологик факультетлар талабаларининг инглиз тилидаги ёзувга ўргатишнинг услубий таъминоти ёритилган;

талабаларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нофилологик факультет талабаларида ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг педагогик, дидактик, психологик омиллари касбий матнлар асосида амалга оширганлиги, дифференциал ёндашув орқали ёзма нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантириш тизимининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган ёзма нутқни шакллантириш методикаси ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларида ва шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларининг нофилологик факультетларида инглиз тилида ёзув

компетенциясини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга доир таклифлардан Европа Иттифоқининг Темпус дастури TuСАНЕА лойиҳаси – таълим соҳасидаги компетенцияни яратиш дастурининг ўқитиш мазмуни ва мақсадини такомиллаштиришда фойдаланилган (Европа Иттифоқининг Темпус дастури TuСАНЕА лойиҳаси координацион кенгашининг 2016 йил 14 ноябрдаги 02/354-сон маълумотномаси 530786-TEMPUS-1-2012-1-NL-TEMPUS-SMHES). Таклифларнинг жорий қилиниши олий таълим муассасаларининг нофилологик факультетлари талабаларининг ёзув ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга хизмат қилган;

нофилологик факультетларда инглиз тилида ёзув ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириш усуллари, воситалари, ишлаб чиқилган машқлар тизимидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1ноябрдаги 89-03-2640-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси бўлган «Learn writing» ўқув қўлланмаси нофилологик факультет талабаларида ёзув ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришда ва талабаларнинг инглиз тилидаги мустақил ишларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабаларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Латвия университети Халқаро Кенгаш 2015 йил 27 ноябрдаги AG-6016/1373-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 12 февралдаги 87-03-310-сон маълумотномаси ва Трнава университети Халқаро Кенгаш 2016 йил 21 апрелдаги ID/318 - сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар талабаларнинг инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқ компетенциясини умумевропа компетенцияларига мос равишда ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 3 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, улардан 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқ компетенциясини назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида «компетенция» ва «компетенциявий ёндашув» тушунчалари изоҳланган ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришда коммуникатив методнинг ўрни ва роли, ёзув ва ёзма нутқнинг лингводидактик таҳлили, инглиз тили ёзуви ва ёзма нутқини ўргатишда келиб чиқадиган хатолар таҳлили ёритилган. Нофилологик факультетларда хорижий тилни ўрганиш мулоқотга йўналтирилганлик (коммуникативлик) нуқтаи назаридан ташкил қилиниши асослаб берилган.

Ёзув ва ёзма нутқнинг лингводидактик таҳлили ёзиш техникаси ва ёзма нутққа дифференциал ёндашган ҳолда олиб борилиши ёзув ва ёзма нутққа хос икки хил сифатлар фарқланганлиги сабабли уларга хос малакаларни шакллантириш талаб этилади. Лингводидактик таҳлил асосида талабалар учун инглиз тилидаги ёзма нутқда келиб чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш ва уларни келиб чиқишининг олдини олиш йўллари аниқлашга ёрдам берди. Бунинг натижасида нофилологик факультет талабаларида ёзув ва ёзма нутқ малакалари дифференциал ёндашув асосида мустақил ўқитиш ва баҳолаш тизимлари бўйича аниқлаштирилган.

Нофилологик факультетларда хорижий тилни ўқитишда асосий эътибор ўқув материалнинг мазмунига ва тил структураларини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уни коммуникатив нуқтаи назардан ўргатиш эътибордан четда қолмоқда. Хорижий тилни ўқитишда коммуникатив методнинг қўлланиши асосида нутқий компетенцияни шакллантириш нутқий вазиятларда амалга ошади. Ушбу метод ахборот алмашувига, шахснинг интеллектуал ривожланишига нисбатан мотивация ҳосил қилади, таълим жараёнида қайта алоқани ўрнатишга ёрдам беради. Ёзма нутқ мураккаб психофизиологик жараён бўлиши билан характерланиши оғзаки нутққа нисбатан структурал жихатдан кенглиги, тўлаллиги, фикрнинг аниқлиги, тизимли баён қилиниши ва боғловчи элементларнинг кўплиги билан фарқланади. Ёзма нутқ фикрни ёзма график белгилар асосида ифодалаш, яъни тасвирлаш, хабар бериш, ёзма мунозарага киришиш билан характерланади. Ёзув барча тилларда ёзма график кодлардан ташкил топган бўлиб, у ахборотни ёзма равишда кодлаштиришнинг ўзига хослигига эга бўлган мураккаб психофизиологик фаолияти натижасида ёзув билан ёзма

нутққа дифференциал ёндашув талаб этилади. Гарчи айрим психологик адабиётларда ёзув ва ёзма нутқни кескин фарқламаслик, ёзма нутққа оғзаки нутқнинг ёзувдаги ифодаси сифатида қаралса-да, ёзув ва ёзма нутқнинг ўзига хос сифатларини фарқлаш ва ёзувни ёзма нутқни ўстиришдаги биринчи босқич деб қараш мақсадга мувофиқ.

Ёзув ва ёзма нутқнинг лингводидактик таҳлили инглиз тилидаги ҳарфларнинг график белгиларини, орфографик қоидаларни билиш, ҳарфларни тўғри чиройли ёзиш кўникмаларини шакллантириш, ёзма фикрни ифодалаш, мантиқий боғлиқлик, ёзма ахборот йўналтирилган шахс, ахборот мавзуси, ёзаётган шахснинг психологик ҳолати, ёзма нутқда ишлатилаётган гап қурилишларини мавзуга ва нутқ мақсадига мос ҳолда қўллаш билиш каби омилларга эътибор қаратилади. Шунингдек, ёзма нутқнинг монологик характерга эга эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Она тилини ўрганишда аввал бола онгида ҳарф ва сўзларнинг акустик образи шаклланади ва бола оғзаки нутқий мулоқотга кириша олади, аммо ёзма мулоқот учун зарур бўлган белгиларни билмайди. Инглиз тилини ўрганишда эса тил ўрганувчида тилнинг акустик образи ҳам, график образи ҳам шаклланмаган бўлади. Уларнинг ҳар иккисини шакллантиришда ёзув ва ёзма нутқ кетма-кетликда олиб борилиши талабаларни инглиз тилидаги ёзувга ўргатишда товуш-ҳарф муносабати, каллиграфия ва орфографик қоидалар билан боғлиқ қийинчиликлар кузатилишига эътибор қаратади. Инглиз тили ҳарфлари ва улар англатган товуш ўртасидаги ассоциациянинг бузилиши эса сўз акустик образининг бузилиши ва хатолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳарфларнинг ўқитилишидаги полисемик хусусият товуш-ҳарф муносабати билан боғлиқ хатолар келтириб чиқариш имконини беради.

Талабаларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқининг лингводидактик таҳлили билдирилган фикрни ёзма шаклда давом эттиролмаслик; матнни баён қилишдаги мантиқий боғлиқликнинг йўқлиги; расмни изчил тасвирлай олмаслик; матнни маъно жиҳатдан боғлиқ қисмларга ажрата олмаслик каби ёзма нутққа хос бўлган хатоларни аниқлашга ёрдам бериши. Инглиз тилини ўзлаштириш ва касбий компетентлигини ривожлантириш методик таъминоти лингводидактик таҳлил асосида мутахассислик ўқув материалларини тизимлаштириш бўйича ёзма нутқ компетенцияси такомиллаштирилган.

Ёзма нутқ маҳсули ёзма матн бўлганлиги учун ҳам ушбу хатоларни бартараф қилиш йўллари излаб топиш зарур. Ёзма матнни тузиш жараёни талабаларнинг фикрлаш жараёни билан боғлиқлиги сабабли ёзма матнда ўз аксини топади. Шундай экан, ёзма нутқ ушбу фикрлаш жараёнининг сифатини ҳам аниқлашга ёрдам беради. Ёзма нутққа инглиз тилини ўргатиш воситасигина эмас, балки мақсад сифатида қараш талабаларга келгусида ёзма нутқдан ёзма мулоқот воситасида фойдаланишлари учун имкон яратади. Ёзма нутққа ўргатишни методик жиҳатдан ташкил қилишда юқорида қайд этилган ёзув ва ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ва улар билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш усуллари ва шаклини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Диссертациянинг «**Нофилологик факультетларда инглиз тилидаги ёзма нутққа ўргатишнинг дидактик асослари**» деб номланган иккинчи бобида инглиз тилидаги ёзма нутқни ўргатишнинг ҳозирги ҳолати ва олий ўқув юртлири бакалавриати 1-2 босқич талабаларининг ёзма нутқда учрайдиган типик хатолар аниқланди ва таҳлил қилинди, ёзма нутқнинг илмий ҳамда методик адабиётларда ёритилиши лингводидактик нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Нофилологик факультетларда чет тил ўқитишда асосий эътибор дарсликда берилган лексик-грамматик материални ўрганиш ҳамда оғзаки нутққа йўналтирилганлиги, ёзувга эса тил ўқитиш воситаси сифатидагина қаралиши, ёзма нутқ кўникмаларини талаб даражасида шакллантирилмаганлигига олиб келади. Ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграллашув жараёни кечаётганлиги, ишбилармонлик ва ҳалқаро дипломатик муносабатларда ёзма нутқий мулоқот ролининг ўсиб бориши ўрганилаётган чет тилда ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Нутқнинг ҳосил бўлишига оид илмий адабиётлар ва концепцияларни таҳлил қилиш орқали ёзма нутқнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ жараён ўрганилди ва шу асосда ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш учун маълумот базаси яратиш имконини берди.

Ёзма нутқ ҳам нутқ фаолияти турларидан бири сифатида кундалик турмуш тарзимизда кечадиган нутқий мулоқотни амалга оширувчи муҳим омил, фикрни ёзма график белгилар орқали ифодаловчи усул ҳамдир.

Ёзма нутққа ўргатиш унинг лингвистик ва психологик хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланганда ўқитиш самарадорлигини ошириш кузатилди. Нутқ ҳосил бўлишининг асосий босқичлари истак-ҳоҳиш ҳосил қилишга қаратилган мотивацион босқич, фикрнинг грамматикалашуви билан боғлиқ аналитик ва синтетик босқич, ташқи нутқда ифодаланувчи босқич, нутқнинг ҳосил бўлишидаги нутқ-мотор ҳаракати орқали фикрнинг ифодаланиши, фикр ўз ифодасини график белгиларда топгунига қадар унинг хотирада ушлаб турилиши, ёзма матннинг ҳосил бўлишидаги вазият, унинг мазмун ифода таъсирчанлигини ошириб берувчи лексик-грамматик материал ва уни структурал ташкил қилишдан иборатдир. Грамматик компетенция бўйича ёзув билан боғлиқ нутқ-мотор ҳаракатларини назорат қилиш, қийинчиликларни аниқлаш, индивидуал топшириқлар бериш, креативлик асосида ёзма нутқ малакасини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган.


Диссертациянинг «**Талабаларнинг ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш**» деб номланган учинчи бобида таълимдаги технологик ёндашувнинг назарий асослари ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг психологик, педагогик, дидактик омиллари ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Хусусан, таълимдаги технологик жараённинг қуйидаги тўрт сифати асослаб берилган: дарс жараёнининг олдиндан тузилган лойиҳаси; талабаларда ўрганилаётган мавзуга нисбатан мотивация ҳосил қилиш; ўқув

материалини ўрганишдаги тизимли ёндашув; дарсдан кўзланган таълимий мақсадга эришишнинг кафолатланганлиги.

Таълимдаги анъанавий ўқитиш билан инновацион ёндашувни қиёсий таҳлил қилиш орқали инновацион ёндашувнинг самарадорлиги аниқлаб берилди. Нутқий механизмни шакллантириш, нутқий фаолият назарияси, тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганишнинг психологик хусусиятлари, мазкур тадқиқотнинг психологик асосини ташкил қилди. Шунга кўра, ёзма нутқ компетенциясининг икки компонент (ёзув ва ёзма нутқ)дан иборат эканлигидан келиб чиқиб, уларга хос хусусиятлар, график белгилар, орфографик қоидалар, нутқ-мотор ҳаракати, товуш-ҳарф муносабати ҳамда ёзма нутқ хусусиятларини таҳлил қилишга оид креатив кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш усуллари ва дидактик ҳаракатларнинг тизимли амалга ошириш йўллари аниқлаб олинди. Ўқув жараёнини кузатиш, ёзма ишлар таҳлили ва талабалар билан суҳбат ёзма нутқ жараёнидаги психологик қийинчиликлар (орфографик қоидаларни билмаслик, хато қилишдан қўрқиш, мотивациянинг йўқлиги)ни аниқлашга, таҳлил қилишга ва уларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқишга ёрдам берди. Талабаларга ёзма нутқ топшириқларини беришдан олдин уларни руҳий жиҳатдан ҳам тайёрлаш, яъни уларда ёзма нутққа нисбатан мотивация ҳосил қилиш ва хато қилишдан қўрқмасликка ўргатиш лозимлигини кўрсатади.

Ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг педагогик ва дидактик омилларини ўрганиш, дидактик воситаларнинг функцияси, таснифи ва мақсадга кўра улардан фойдаланиш методикасини яратиш зарурлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, ёзувга ва ёзма нутққа ўрганишда қўлланиладиган кўрув, эшитув, кўрув-эшитув воситалари аниқланиб, таснифланди. Ушбу воситалардан фойдаланган ҳолда ёзма нутқ малакаларини шакллантиришнинг беш босқичи ишлаб чиқилди.



1-расм. Ёзма нутқ малакаларини шакллантириш босқичлари.

Биринчи босқичда ёзма ахборот тайёрлаш мақсади ва вазифаси баён қилинади, сўзларни ёзишдаги орфографик қийинчиликларга эътибор қаратилди, топшириқларни бажаришда компьютер ва тасвирни экранга тушириб берувчи воситалардан фойдаланилди.

Иккинчи босқичда мавзуга оид сўз техник воситалар ёрдамида намоёниш этилди, кластер услубидан фойдаланган ҳолда гаплар тузиш машқ қилинди.

Учинчи босқичда гаплар ўртасидаги мантиқий боғлиқликка эътибор қаратилди, ёзма нутқ компетенциясининг таркибий қисмларидан бири бўлиши фикрни раво ифодалаш машқ қилинди.

Тўртинчи босқичда талабаларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни фаоллаштириш мақсадида бошқа талабалар томонидан тайёрланган ёзма матнларни ўқиб, ўз фикрини билдиришди.

Бешинчи босқичда ҳар бир талаба ўзи тайёрлаган матн хусусидаги бошқаларнинг фикрини ҳисобга олиб, матнни қайта ёзиб чиқди.

Ушбу топшириқларни бажариш жараёнида талабаларнинг шахсий қарашлари, эмоционал ҳолати, ички имкониятлари хусусида кўпроқ маълумот олишга мувоффақ бўлинди. Талабаларда ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш уларни фикрлаш, мулоҳаза қилиш, таҳлил қилиб, хулоса чиқаришни ҳам ўз ичига олади.

Ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришдаги технологик ёндашув таълим олувчиларни ўрганиш жараёнидаги фаол иштирокчига айлантирди. Ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришни лойиҳалаштиришда икки вазифага эътибор қаратилди: 1) педагогик ва таълимий вазифани аниқлаш; 2) дидактик жараённи ишлаб чиқиш. Бундай лойиҳалаш талабаларни ўқув жараёнида билимларни пассив қабул қилувчи субъектдан таълим жараёнининг фаол субъектига айлантирди.

Нутқий кўникма ва малакаларга оид илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида «ёзув кўникмаси» ва «ёзма нутқ малакаси» атамаларига янги таъриф берилди.

«Ёзув кўникмаси» – бу ёзувга йўналтирилган, онгли равишда бажариладиган ҳаракатларнинг автоматлашувидир.

«Ёзма нутқ малакаси» – бу юқори даражада ўзлаштирилган ёзув ҳаракатларининг йиғиндиси бўлиб, аввал ўрганилган билим, шакллантирилган ёзув кўникмаларини янги нутқий вазият талабига мос фойдалана олиш лаёқатидир. Уларни шакллантириш ҳам беш босқич асосида амалга оширилади.

Ёзма нутқ малакаларини шакллантиришни технологик жараён сифатида ташкил қилинганда уларнинг пухта, ихчам, янги нутқий вазиятларга мослашувчанлиги аниқланди. Шакллантирилаётган ёзма нутқ малакаларини талабаларнинг касбий фаолиятлари билан боғлаб олиб бориш уларни касби билан боғлиқ нутқий мулоқотда эркин қўллай олишларини кафолатлайди ва компетентлик даражасини оширади. Шунингдек, мазкур бобда замонавий таълим технологиялари асосида инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириш, тажриба-синов ишларини ташкил этилиши,

мазмуни ва самарадорлик даражасининг статистик таҳлили ҳақида ҳам фикр юритилган. Бўлажак кимё-биология ўқитувчиларининг инглиз тили ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш диссертациянинг аввалги бобларида келтирилган маълумотлар асосида ташкиллаштирилди ва ёзма нутқ компетенциясининг шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди. Кимё-биология факультетлари талабаларининг амалий компетенцияси фонетик, грамматик, лексик даражадаги таснифлар асосида ёзув техникаси аниқлаштирилди.

Ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришда профессор С.Ф. Шатилов томонидан таклиф қилинган нутқий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг уч босқичи асос қилиб олинди. Шунга кўра мотивация босқичи ёзма ахборот тайёрлашнинг аналитик-синтетик босқичи ва креатив (ижодкорлик) босқичлари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари натижалари ва талабалар ўзлаштиришининг таҳлили ёзиш техникаси ва ёзма нутққа дифференциал ёндашган ҳолда ўқитиш усуллари, воситалари ва шакллари танлаш, кимё-биология факультети талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқини ўстиришни касбга йўналтирилганлик асосида ташкил қилиш, талабалар томонидан ёзма нутқда йўл қўйилган хатоларнинг лингводидактик таҳлилидан келиб чиқиб, хатоларни бартараф қилиш, олдини олиш усуллари ва воситаларини танлаш, ёзувни ва ёзма нутқни ўргатувчи махсус машқлар тизимини тузиш; ёзма нутқ малакаларини босқичма-босқич шакллантириш ва ёзма нутққа нисбатан мотивация ҳосил қилиш каби омилларга амал қилинганда ёзма нутқ малакаларини шакллантириш самарадорлигини ортганини кўрсатди.

Ҳар бир синов учун ишлаб чиқилган баҳолаш мезони бўйича талабалар иши баҳоланди ва олинган баллар ҳисобланди.

Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили асосида кесимлар бўйича тўпланган балл кўрсаткичлар асосида ўртача балл кўрсаткичлари жадваллари тузилиши ва шу жадвалларга асосланиб тажриба ва назарот гуруҳлардаги ўртача мониторинг кўрсаткичлари таққосланди. χ^2 аломати ёрдамида тажриба гуруҳидаги ўқитиш услуби назарот гуруҳидагидан афзал эканлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлилида талабаларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқини эгаллаганлик ва ёзма нутқ малакаларини шаклланганлик даражаси с ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилди. Буларга ёзиш техникаси ва ёзма нутқнинг дифференциал фарқларини билиш, ҳуснихат, спэллинг ва орфографик қоидалардан хабардорлик, улардан диктант, иншо ёзишда фойдалана олиш даражаси, лексик, грамматик воситалардан ёзма матн тузиш, берилган расмларни тасвирлаб ёзиш жараёнидаги изчиллик, мантиқий фикр билдира олиш ҳамда танқидий фикр билдирилганда далил-исботлар келтира олишни ўз ичига олган топшириқларни киритиш мумкин.

**Тингловчиларнинг инглиз тилидаги ёзув ва ёзма нутқни
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

дастлабки ҳолат					
Балл	«5»	«4»	«3»	«2»	Жами талаба
Тажриба гуруҳи	13	33	59	33	138
Назорат гуруҳи	12	36	55	31	134
Жами балл	25	69	114	64	272
якуний ҳолат (<i>статистик таҳлил асосида</i>)					
Балл	«5»	«4»	«3»	«2»	Жами талаба
Тажриба гуруҳи	$a_{11}=56$	$a_{12}=54$	$a_{13}=25$	$a_{14}=3$	$N_1=138$
Назорат гуруҳи	$b_{21}=19$	$b_{22}=35$	$b_{23}=65$	$b_{24}=15$	$N_2=134$
Жами балл	$A_{11+} b_{21}$ =75	$a_{12+} b_{22}$ =89	$a_{13+} b_{23}$ =90	$a_{14+} b_{24}$ =18	$n_{1+} n_2$ =272

1-жадвалда a_{1i} : ($i = 1,2,3,4$) мос равишда «5», «4», «3» ва «2» балл олган тажриба гуруҳидаги талабаларнинг ўртача сонини билдиради, b_{2i} ($i = 1,2,3,4$) мос равишда «5», «4», «3» ва «2» балл олган тажриба гуруҳидаги талабаларнинг ўртача сонини билдиради. 1-жадвал асосида дастлабки ҳолатда тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача мониторинг аниқланди:

$$\bar{X}_T = \frac{5 \cdot 13 + 4 \cdot 33 + 3 \cdot 59 + 2 \cdot 33}{138} = \frac{440}{138} \approx 3,2$$

$$\bar{X}_n = \frac{5 \cdot 12 + 4 \cdot 36 + 3 \cdot 55 + 2 \cdot 31}{134} = \frac{431}{134} \approx 3,2$$

Демак, иккала гуруҳни ҳам ўртача балл кўрсаткичлари дастлабки ҳолатда деярли бир хил экан. 1-жадвал асосида якуний ҳолатдаги ўртача балл кўрсаткичлари ҳисобланди:

$$\bar{X}_T = \frac{5 \cdot 56 + 4 \cdot 54 + 3 \cdot 25 + 2 \cdot 3}{138} = \frac{577}{138} \approx 4,2$$

$$\bar{X}_n = \frac{5 \cdot 19 + 4 \cdot 35 + 3 \cdot 65 + 2 \cdot 15}{134} = \frac{460}{134} \approx 3,4$$

Демак, $\bar{X}_T > \bar{X}_n$ ($4,2 > 3,4$) Назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳининг ўсиш фоизи аниқланди:

$$\frac{\bar{X}_T}{\bar{X}_n} \cdot 100\% - 100\% = \frac{4,2}{3,4} \cdot 100\% - 100\% = 123\% - 100\% = 23\%$$

$$\bar{X}_n \quad 3,4$$

Тажриба натижалари ўртача 23% самара берган деб тахмин (гипотеза) қилиш мумкин.

У ҳолда бош гипотеза

$$H_0 : P_{1i} = P_{2i} \quad i = 1,2,3,4$$

барча категориялар учун Альтернатив H_1 гипотеза эса қуйидагича бўлади:

$$H_1 : P_{1i} \neq P_{2i} \quad i = 1,2,3,4$$

тўртта категориядан ҳеч бўлмаганда биттаси учун.

Гипотезани статистик текшириш учун қуйидаги критерий (аломат)дан фойдаланилди:

$$T = \frac{1}{n_1 \cdot n_2} \sum_{i=1}^4 \frac{(n_1 b_{2i} - n_2 a_{1i})^2}{a_{1i} + b_{2i}},$$

T масофавий миқдор (статистика)нинг тақсимоми χ^2 қонунига бўй сунади ва озодлик даражаси J=3 га тенг.

Гипотезани текшириш қоидасида қуйидагича α қийматдорлик даражасида χ^2 ни критик нуқталар жадвалидан V = 3 бўлганда χ^2 критик нуқта топилади. 1- жадвал асосида (1) ни кузатилган қиймати T_{кузат} топилади. Сўнг χ_{1-2} ва T_{кузат} таққосланади. Агар

$$T_{кузат} > \chi_{1-2}$$

тенгсизлик бажарилса, α қийматдорлик даражасида H₀ гипотеза рад қилинади ва H₁ гипотеза қабул қилинади. Аксинча

$$T_{кузат} < \chi_{1-2}$$

бўлса, H₀ гипотеза қабул қилинади.

Энди қоидага асосан χ_{1-2} ни жадвалдан топамиз. $\alpha = 0,05$ бўлсин. У ҳолда χ^2 ни критик нуқталар жадвалидан J=3 да топамиз:

$$\chi_{1-0,05} = \chi_{0,95} = 7,815$$

T_{кузат} (1) формула ва 1-жадвал асосида ҳисоблаймиз:

$$T_{кузат} = \frac{1}{n_1 \cdot n_2} \left[\frac{(n_1 b_{21} - n_2 a_{11})^2}{a_{11} + b_{21}} + \frac{(n_1 b_{22} - n_2 a_{12})^2}{a_{12} + b_{22}} + \frac{(n_1 b_{23} - n_2 a_{13})^2}{a_{13} + b_{23}} + \frac{(n_1 b_{24} - n_2 a_{14})^2}{a_{14} + b_{24}} \right] =$$

$$\frac{1}{138 \cdot 134} \left[\frac{(138 \cdot 19 - 134 \cdot 56)^2}{75} + \frac{(138 \cdot 35 - 134 \cdot 54)^2}{89} + \frac{(138 \cdot 65 - 134 \cdot 25)^2}{90} + \frac{(138 \cdot 15 - 134 \cdot 3)^2}{18} \right]$$


$$= \frac{1}{18492} [317785,65 + 65043,101 + 350937,77 + 154568] = \frac{888334,52}{18492} \approx 48,04$$

Демак, T_{кузат} $\approx 48,04$ ва T_{кузат} > $\chi_{0,95}$ (48,04 > 7,815)

Хулосага кўра, H₁ гипотеза қабул қилинади, H₀ гипотеза рад этилади. Демак, илмий педагогик тажриба натижалари ўртача 23% билан самара берган деб, ҳисоблаган ҳолда амалда қўллашга тавсия этилади.

1 - дастлабки босқичда

2 - сўнгги босқичда



2-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари ёзма нутқ малакаларини шакллантириш бўйича кўрсаткичлари

ХУЛОСА

Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Нофилологик факультетларда тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг инглиз тилини ўрганишга қўйилаётган талаблар глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги интеграллашув жараёнлари билан изоҳланади.

2. Замонавий мутахассиснинг касбий маҳорати кўрсаткичини белгиловчи омилларга унинг касбий малакалари билан бир қаторда чет тилларни билиш даражаси чет тилдаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга қаратилган психологик, педагогик, дидактик омилларга боғлиқ эканлигини тақозо қилади.

3. Нофилологик факультет талабаларини инглиз тилини ўргатишда ёзма нутқни тил ўргатиш воситасигина эмас, балки нутқий фаолият тури сифатида коммуникативлик ва касбга йўналтирганлик асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш бўлғуси мутахассисларни Европа стандартлари CEFR талаблари даражасида тайёрлаш ва мутахассиснинг хорижий манбалардан ўз касбига оид ахборот олиш имконини яратади.

4. Тадқиқот ишида ёзиш техникаси ва ёзма нутққа дифференциал ёндашув уларни назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ва амалий жиҳатдан уларга хос бўлган малакаларни ўстиришда алоҳида усуллар ва машқлар тизимининг зарурлиги ёзув ва ёзма нутқни ўргатиш стратегияси ва машқлар тизимини ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ қилинишини тақозо қилади.

5. Нутқий малакаларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси нофилологик факультет талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантириш имконини беради.

6. Тажриба-синов ишларини ташкил қилиш методикаси инглиз тилидаги ёзма нутқ малакаларини шакллантириш, ёзма нутқ маҳсули бўлмиш ёзма матнни тайёрлаш уч босқичда амалга оширишни талаб қилади. Биринчи босқичда орфографик кўникмалар интеграцияси, ҳарфлар конфигурацияси, орфографик қоидалар ёрдамида мазмунан боғлиқ гаплар тузиш машқ қилинди, ёзма нутққа нисбатан мотивация, иккинчи босқичда талабаларга инглиз тилида мазмунан бир-бирига боғлиқ фикр билдириш топшириғини бериш орқали ёзув билан боғлиқ нутқ-мотор ҳаракатларини автоматлаштириш ва фикрни ёзма равишда ифодалашга ёрдам берувчи стереотиплар, учинчи босқич эса ёзма нутқ малакаларини шакллантириш нутқий вазиятлар ва таянч манбалар асосида олиб боришдан иборат.

7. Тажриба-синов ишлари давомида ёзма нутқ малакаларини ва ёзма нутқ компетенциясини босқичма-босқич шакллантиришнинг самарадорлиги диагностик ва тажриба кесимларида ўз ифодасини топади. Ўқитиш жараёнида талабаларда ёзма нутққа нисбатан мотивация ва уларда ўз кучларига ишонч, ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришдаги психологик тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИМОВ ФАРХОД ШАРАБИДИНОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЯ ПИСЬМЕННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ НА
АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ
(на примере нефилологических факультетов)**

13.00.02 –Теория и методика обучения и воспитания (английского язык)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped199.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uswlu.uz) и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Маматов Абдумурод Эшонкулович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тешабоева Дилфуза Муминовна**
доктор филологических наук, профессор

Мисиров Соҳибжон Абдупаттаевич
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков. (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик Халка йули, дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована под номером _____). Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик Халка йули, дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Г.Х. Бакиева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.филол.н.,
профессор

Н.Ж. Исакулова
Научный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.пед.н.,
доцент

Л.Т. Ахмедова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.пед.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире при изучении иностранных языков все более возрастает потребность формирования у специалистов разных отраслей речевой компетенции, необходимой в процессах обмена мнениями с их зарубежными коллегами, получения информации по своей сфере деятельности на международных конференциях и из иностранных источников. В Чикагском университете и в университете Джона Хопкинса в США, в Канадском университете Торонто, в Лидском университете Англии, и в Германском университете Фрайбурга огромное значение приобрели научные исследования по развитию отраслевой технологии, письменной грамматики и лексики, креативного мышления с целью формирования у учащихся письменной компетенции.

В мировой практике для развития у студентов профессиональной компетенции владения иностранными языками отдельное внимание уделяется формированию компетенции письменной речи в английском языке, модернизации инновационной деятельности, связанной с применением современных педагогических технологий, поэтапно, с опорой на дифференциальный подход к технике письма и компетенции письменной речи, формированию компетенции письменной речи, изучению влияния лингводидактических и психологических факторов. В этом смысле проясняется актуальность применения компетентный подхода к развитию речевой компетентности у студентов, не специализирующихся в английском языке, и формированию у них навыков письма и письменной речи для повышения эффективности процесса образования.

С первых лет независимости в нашей стране серьезное внимание уделяется организации обучения иностранным языкам на основе современных требований. В частности, в пункте 4.4. «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», касающемся «Развития сферы образования и науки», определены такие важные задачи как «кардинальное повышение качества общего среднего образования, углубленное изучение иностранных языков, информатики, других важных и востребованных предметов, включая математику, физику, химию, биологию»¹. Это позволяет осуществить ряд практических целенаправленных мер по применению дифференциального подхода, направленного на формирование навыков письма и письменной речи при обучении студентов химико-биологического факультета английскому языку, по определению типологии ошибок, встречающихся на письме и в письменной речи, по проведению научно-обоснованного анализа причин возникновения данных ошибок, и по формированию письменной компетенции учащихся на основе современных технологий.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит реализации задач по обеспечению качества образования, поставленных

¹ Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-4947. №6 (766) -70. – Т.: Адолат, 2017. – Б.38.

Президентом Республики Узбекистан в указе Президента ПП-1875 от 10 декабря 2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», в Постановлении № 124 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 мая 2013 года «Об утверждении государственного образовательного стандарта по иностранным языкам системы непрерывного образования», в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике: «Способы формирования и реализации системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, культурному и духовному развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы.

Проблемы, касающиеся методики преподавания языков, всесторонне рассмотрены в исследованиях отечественных ученых Г.Х. Бакиевой, Л.Т. Ахмедовой, Ж.Ж. Жалолова, М.Т.Ирискулова, Т.К. Саттарова, Г.Т. Махкамовой, Ф.М. Рашидовой, и зарубежных исследователей Анны Ставичка, А.Л. Гуркиной, М.В. Дубовой, Инете Лука, Т.А. Костюковой, А.Л. Морозовой и других. В частности, в их работах рассматриваются такие проблемы как подготовка преподавателей иностранных языков и персонализированное образование²; законы современных технологий, статьи, посвященные проблемам и особенностям их использования при обучении иностранным языкам³; формирование коммуникативной компетентности при обучении письму⁴; значение написания сочинений и изложений в процессе обучении на языковых

² Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консонантизма) Автореф. дисс. ... док. пед. наук. – Т., 1987. – 24 с.; Ахмедова Л.Т. Личностно – ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений // Conference.Fledu.uz; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – Б. 294.; Махкамова Г.Т. Идея прогрессивизма в обучении языку специальности // Бўлажак чет тил ўқитувчисини йўналтириш технологияси: илмий-амал. конф. материал –Т.: 2009. – Б.145-150; Саттаров Т. Бўлажак чет тил ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. – Т.: 2003. – Б. 47;

³ Рашидова Ф.М. CEFR асосида чет тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолашда касб маҳорати // Узлуксиз таълим журнали. – Т. 2016. -№ 6. –Б. 70-71.; Ирискулов М.Т., Чет тилларнинг ўқитишда CEFR ўрни Узлуксиз таълим журнали. – Т. 2016. -№ 1. –Б. 77-83.

⁴ Гуркина А.Л. Развитие иноязычной коммуникативной компетенции как основная цель обучения иностранному языку//Молодой учёный. – М.: 2015. – №12. – С. 726-729; Костюкова Т.А., Морозова А.Л. Иноязычной коммуникативной компетентности студентов неязыковых вузов // Монография. ТГПУ. -Томск, 2011. – 119 с; Дубова М.В. Компетентность и компетенция как педагогические категории: определение, структура, классификация // Гуманитарные науки и образование. – № 2 (6) – М.: 2011; Ineta Lūka Developing Communicative Competence in Teaching English for Students of the Tourism Industry. Latvia University – Riga: Latvia Volume 700, 2006. – P. 217-228; Jeļena Zašcerinska Development of students' communicative competence in English studies for academic purposes.. Latvia University. – Riga: Latvia, 2011. – 315 p.

факультетах⁵; обучение письменной речи социально-культурное и межкультурное сотрудниче⁶; использование письменной речи как средства межкультурного диалога⁷; и анализ сложностей в преподавании письма и письменных навыков⁸.

Однако до сих пор в нашей стране не получил специального рассмотрения вопрос о формировании письменной компетенции в английском языке у студентов нефилологических высших учебных заведений, и конкретно химико-биологического факультета.

